

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 630-ҳадис

630 - وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْعَزُّ إِرَاءٌ، وَالْكَبْرِيَاءُ رِدَاؤُهُ، فَمَنْ يُتَازَّعُنِي فَقَدْ عَذَّبْتُهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2620]

630. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Иzzat У Зотнинг изоридир, кибриё эса ридосидир. (Аллоҳ айтади) Ким Мен билан уни талашса, уни азоблайман».

*Имом Муслим ривояти.*

**Шарх:** Азизлик ва Кибриё Аллоҳ таолонинг сифати экан. Ким мана шу сифатларни Аллоҳ билан талашса, Аллоҳ у кимсани дўзахга улоқтирас экан.

Такаббурликнинг асли Аллоҳнинг мақомига эгалик қилишни ҳаракати экан. Демак Кибриё сифатига эга Зот Аллоҳга такаббурлик қилган кишини Аллоҳ азоблашга ҳақли экан. Ким Аллоҳнинг улуғлигини билса, ўзидаги такаббурлик ҳислатларига барҳам беради. Чунки инсон Холиқнинг қудратини ва Бореъ сифатли Зот Аллоҳнинг азаматини кўрса, такаббурлик фақат ва фақат Якка Аллоҳга хос эканини билади. Аллоҳ таоло Жосия сурасининг 37-оятида: **«Осмонлар ва Ердаги буюклик ёлғиз Уникидир! У кудрат ва ҳикмат Соҳибидир!»**, деб айтган.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



